

КУТУБХОНАЧИЛИК СОҲАСИДА ЭЛЕКТРОН РЕСУРСЛАРДАН  
ФОЙДАЛАНИШ

Kadirova Umida Tursunaliyevna

*Bobur nomidagi Andijon viloyati axborot kutubxona markazi bosh mutaxassisi*

**Анотация:** "Электрон кутубхона" - компьютер хотирасида файл кўринишида сакланаётган маъруза матнлари, нодир адабиётларнинг нусхалари, ҳар хил расмлар, мусиқалар, фильмлар, клиплар, электрон китоблар каби маълумотларни кутубхоначилик библиографик қоидалари асосида тартиблаш ва улардан китобхон сифатида фойдаланиши ишини амалга оширувчи дастурий тизимдир.

**Калит сўзлар:** Электрон ресурслар, Электрон ахборот кутубхона, Электрон китоблар, автоматлаштириши жараёни.

Хозирги кутубхоначилик соҳаси ҳам катта ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Бир тарафдан, кутубхоналар асрлар давомида тўпланган билимларни, анъанавий қоғоз кўринишдаги сақловчилари, бошқа тарафдан – рақамлаштириш жараёнларининг шиддат билан ривожланиши кутубхоналардан ахборотни сақлаш ва улар билан ишлашда янги форматларни ишлаб чиқиши ва жорий этишни тақозо қилмоқда.

Локал ва глобал алоқа тармоқлари технологиясининг юзага келиши натижасида компьютерларни алоқа тармоқлари орқали ўзаро боғлаб, уларни яхлит бир система сифатида ишлашини ташкил қилиш юзага келди. Хозирги кунда ягона базадан керакли маълумотларни тармоққа боғланган компьютер орқали олиш, яъни "Мижоз-Сервер" технологияси асосида ишловчи дастурий тизимлар яратилмоқда. Бунга кутубхоначилик ишини камраб олувчи тизимни мисол сифатида келтиришимиз мумкин.

"Кутубхона" электрон ахборот кутубхона тизими - одатдаги кутубхонада мавжуд бўлган китоб, макола, рисола, харита, альбом, каби маълумотларни компьютер хотирасига кутубхоначилик библиографик қоидалари асосида киритиш ва улардан китобхон сифатида фойдаланиш ишини амалга оширувчи дастурий тизимдир. Тизим жамгармани ташкил килиш, тахрир ва тахлил килиш; китобхонлар билан ишлаш; китобхонлар сингари мантикий кисмлардан ташкил топган.

Электрон кутубхона маълумотлари асосан файл кўринишида сервер компьютерда сақланади ва у кутубхона дастурий тизими билан бевосита боғликдир. Таълим жараёни учун керакли ҳар хил файл кўринишидаги маълумотлар оқимини зарурӣ тартибга келтириш, уларни излаб топиш сингари ишларни тез ва унумли бажаради ва автоматлаштириш натижасида:

- жамгарма назорати кучайтирилади;
- жамгармадан керакли маълумотни излаб топиш имконияти ошади;
- ихтиерий вақтда керакли ҳисботларни тез ва аник олиш имкони мавжуд бўлади;

- жамғарма маълумотларидан фойдаланилиши, ихтиёрий вақтда тез тахлил килинади;
- хар бир китобхон, кутубхонага келмасдан, алока тармоғи орқали унинг жамгармаси билан танишиш имконига эга бўлади;
- китобхон излаб топилган маълумотини бевосита ўз компьтерига олади.

Электрон кутубхоначилик ишини автоматлаштиришда куйидагилар эътиборга олинади:

- электрон кутубхона жамгармасини кутубхоначилик библиографик коидалари асосида ташкил килиш;
- глобал ва локал тармок тури орқали электрон кутубхона жамгармаси билан танишишни ташкил килиш;
- электрон кутубхона жамгармасига мурожаат килиб ундан ахборот олган китобхонларни кайд килиб бориш;

Кутубхона иш жараёнини автоматлаштиришда Ахборот дастурий тизимлар иш жараёнларини осонлаштиради ва тезлаштиради. Ахборот воситалар миллий ва халкаро ахборот системаларидан, юзлаб кутубхоналарнинг машинада ўқиладиган каталог ва электрон файлларидан фойдаланишга имконият яратади, бу билан хар кандай кутубхонанинг китобхонига жаҳон хужжатлари оқимидан эркин хабардор бўлишига эришилади.

Электрон кутубхонанинг асосий вазифалари:

- китобхонларга тақдим этиш қийин бўлган ёки чекланган ахборот-кутубхона ресурсларидан фойдаланишни таъминлаш;
- фақат электрон шаклда мавжуд бўлган ахборот-кутубхона ресурсларидан фойдаланишни таъминлаш;
- катта ҳажмли ахборот билан ишлашда фойдаланувчиларга шарт-шароитлар яратиш;
- хизмат кўрсатишнинг сифати ва тезкорлигини ошириш, фойдаланувчиларга электрон кутубхонанинг ахборот-кутубхона ресурсларини тақдим этиш ҳисобига ахборот-кутубхона муассасалари хизматлари рўйхатини кенгайтириш;
- кутубхона технологияларини модернизация қилиш;
- электрон кутубхонанинг ахборот-кутубхона ресурсларини жаҳон ахборот маконига интеграциялаш;
- электрон ахборот-кутубхона ресурсларини узоқ муддат сақлаш.

Хозирги кунда ахборот-кутубхона марказлари китобхонга масофадан хизмат кўрсатишни жорий қилиш ва кенгайтириш, китобхонлар талабини масофадан қабул қилиш, тезкор хизматни амалга ошириш электрон каталог имкониятларига боғлиқ бўлиб, Миллий кутубхона, вилоят ахборот-кутубхона марказлари электрон каталоги Uznel дастурида яратилган.

2019-2022 йилларда Uznel дастурида шаклланган электрон каталогда Миллий кутубхона, вилоят ахборот-кутубхона марказлари томонидан 507 725 та библиографик ёзувлар яратилиб, шундан 236 511 та нашрнинг тўлиқ матни бириктирилди. Эндиликда,

китобхон кутубхоналарнинг электрон каталогидан фойдаланиши орқали, юкландиган нашрларнинг тўлиқ матнини ўқиш имконига эга бўлди. Туман (шахар) ахборот-кутубхона марказларида электрон каталог шакллантириш вазифаси бугунги кунда Республика йиғма электрон каталог марказининг catalog.unicat.uz дастурида амалга оширилмоқда.

Кутубхона фондидаги бошқа адабиётлар эса catalog.unicat.uz порталауда мавжуд библиографик ёзувларни текшириш орқали, агар киритилаётган нашрларнинг библиографик ёзуви базада мавжуд бўлса, фақатгина нашрнинг нусха (экземпляр)лари киритилмоқда.

Туман (шахар) ахборот-кутубхона марказлари фондларида мавжуд нашрларнинг библиографик ёзувларини яратиши, catalog.unicat.uz тизимга қўшиши, кутубхоналарнинг электрон каталогини шакллантиришнинг биринчи босқичини амалга ошириш имконини яратди. Ҳозирда, туман кутубхоналари томонидан яратилган библиографик ёзувлар 150 мингдан зиёдни ташкил этади.

Ўзбекистонда энг кўп фойдаланиладиган электрон кутубхона тизимлари Республика кутубхоналарида автоматлаштириш жараёнлари соҳа мутахассисларининг ишларини енгиллаштиради кутубхона моддий-техник негизини мустахкамлайди

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”. Ma’rifat, 2006 й. 21 июнь № 49 (7866).
2. Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг Конуни. 2011 йил 13 апр. //Халқ сўзи. – 2011. – 13 апр
- . 3. “2011-2015 йилларда ахборот коммуникацион технологиялари асосида ахбороткутубхона ва аборот ресурслар билан хизмат қўрсатишни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2011 йил 23 февр. ПҚ -I487.
4. Каримов У. Ф., Раҳматуллаев М. А. Корпоратив кутубхона-ахброт тизимлари ва тармоқлари. (Монография).-Тошкент.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2008.-168 б.
5. Каримов У. Ф., Раҳматуллаев М. А., Мухамадиев А. Ш., Атажанов Ж. Корпоратив ахборот-ресурс марказларининг автоматлаштирилган тизими (КАРМАТ). Услубий қўлланма. .-Тошкент.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2008.-35 б.
6. Каримов У. Ф., Раҳматуллаев М. А., Мухамадиев А. Ш., Атажанов Ж., Савочкин М. П. Korporativ-ahborot-resurs markazlarining avtomatlashtirilgan tizimi. Услубий қўлланма. Тошкент Давлат юридик институти нашриёти. Тошкент.: 2009.- 79 б.
7. Каримов У. Ф., Раҳматуллаев М. А. Электрон кутубхона: яратиш технологияси ва ресурсларидан фойдаланиш / У. Ф. Каримов, М. А. Раҳматуллаев; масъул муҳаррир



**FRANCE international scientific-online conference:  
“SCIENTIFIC APPROACH TO THE MODERN EDUCATION SYSTEM”  
PART 23, 5<sup>th</sup> MARCH**

А. О. Умаров .- Тошкент.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти.- 2010.- 136

8 Умидада Тешабаева, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори

Миллий кутубхона ва тизим ахборот-кутубхона марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш